

ТЎҒРИ ИМСОК (ФАЖР) ВАҚТИ ҲАҚИДА ИЗОҲЛАР

Имсок (Фажр) вақти

“Туркистон тақвими” тайёрлаган, интернетда ҳам нашр этиладиган намоз вақти жадваллари ва рўза имсокияларида тамкин муддати билан намоз вақтларига оид Қуёшнинг шаръий уфқдан иртифоъ зовиялари, яъни уфққа нисбатан баландлик бурчаклари ҳеч ўзгартирилмаган, намоз ва рўза вақтлари тўғри билдирилган. Тўртала мазҳабда ҳам имсоқ вақти “шаръий кеча”нинг охирида бошланади. Яъни “**Фажри содиқ**” деб номланувчи тонгги оқликнинг шарқдаги уфқи зоҳирий (қўриниб турган уфқ) чизигининг бир нуқтасида пайдо бўлиши билан бошланади. Рўза ҳам шу вақтда бошланади. Яъни қуёш уфқи зоҳирий чизигига -19 градус (даража) яқинлашганда бошланади.

Ислом астрономия олими Аҳмад Зиё бек “Рубъ-и доира” китобида айтадики: “Европаликлар фажри содиқнинг боши сифатида уфқда пайдо бўлган тонгги оқаришнинг уфқ бўйлаб бутунлай ёйилган вақтини қабул қилишган. Шунинг учун фажр ҳисобларида қуёшнинг (баландлигини) иртифоъини -18 даража деб олишган. Биз эса, уфқда оқликнинг илк кўринган пайтини фажри содиқ деб олганмиз. Шу боис ҳар доим фажр вақти сифатида қуёшнинг уфққа нисбатан -19 даражага келган иртифоъ (баландлик) вақтини оламиз. Чунки ислом олимлари имсоқ ёки фажр вақтини, тонг ёришишининг уфқи зоҳирий бўйлаб ёйилган пайти эмас, балки УФҚ УЗРА ИЛК КЎРИЛГАН ВАҚТИ эканлигини таъкидлаганлар.”

Маориф назорати томонидан ҳижрий 1316 (мелодий 1898) йили чоп этилган “Мухтасар илм-и ҳайъат” номли китобда: “-19 даражадан фажр вақти (имсоқ вақти) ҳисоблаб чиқарилади. Фажрдан тамкин вақти айрилиб, имсоқ вақти топилади” деган. Бутун вақтларда мана шу 10 дақиқалик тамкин муддати ишлатилмоқда.

Мактаб-и баҳрияда (Денгиз флоти мактабида) дарслик сифатида ўқитиладиган ва айни мактабда Фанн-и ҳайъат ва Сайр-и сафоин (астрономия ва кемаларнинг сузиши) дарслари муаллими бўлган Мустафо Ҳилми афанди ёзган ва Маориф назорати томонидан нашр қилинган “**Ҳайъат-и фалакия**” номли китобда намоз вақтларининг ҳаммасига 10 дақиқа тамкин муддати татбиқ қилинган, имсоқ вақти сифатида -19 даража олинган.

Кадусий “Рубъ-и доира” китобида: “**Фажр вақти, қуёшнинг устки чамбари шаръий уфққа 19 даража яқинлашганда бошланади.**”-деган.

Ибни Юнус (мелодий 1009) тонг ёришиш (имсоқ) пайти сифатида -19° олиб, барча жадвалларини шунга мослаб тузганди.

XIV-асрда яшаган Ибни Шотир кундуз ва кеча орасидаги чегара бўлмиш тонг (фажри содиқ) вақтини Қуёшнинг уфққа нисбатан бурчаги сифатида 19°ни олган ва замондоши Ал-Халилий ҳам жадвалларини шунга асосланиб ҳисоблаган. Усманий давлатида тайёрланган намоз вақтлари жадвалларида Ибни Шотирнинг қуёш уфқ оғиши ҳисоблари ишлатилган.

Ғозий Аҳмад Мухтор Пошо “Ислоҳ-ут-тақвим” ва “Риёз-ул-мухтор” номли асарларида “шафақ (хуфтон) вақти қуёшнинг уфқ остида -17 даражага келган пайти ва фажр (имсоқ) вақти эса, -19 даражага келган пайти эканлигида илм-и ҳайъат (астрономия) мутахассислари иттифоқ қилганлар”- деб ёзган.

Яъни ислом олимлари асрлардан буён фажр (имсоқ) вақтида қуёшнинг иртифоъи (баландлиги) уфқ остида (-19) даража эканлигини бир неча усуллар билан англаб, тасдиқлаганлар. Бунга тўғри келмайдиган натижа ва рақамларнинг нотўғрилигини таъкидлаганлар. Фатво ҳам шунга биноан берилган. Мужтаҳид

бўлмаган одамларнинг бу фатвони ўзгартиришга ҳақлари йўқ. Фатвога мос келмайдиган ибодатлар саҳиҳ бўлмайди. **Мусулмонларнинг дин ишларида христианлар билан мазҳабсизларга эмас, ислом олимларига эргашиши лозим.**

Туркия жумҳурияти, Бўғозичи университети Қандилли расадхонасининг 08.07.1992 санали 1354-сонли ёзувида имсоқ ва хуфтон вақтларида қуёшнинг уфқ тагидаги даражалари ҳамда тамкин муддатининг 1400 йилдан бери татбиқ этилаётгани, яъни хуфтон (шафақ) қуёшнинг уфқ тагида (-17) даражада, имсоқ (Фажр) эса (-19) даражада турган вақтига тўғри келишини айтиб, тамкин муддати ҳақида қуйидагиларни ёзган:

“Тамкин деб номланган муддат: қуёшнинг зоҳирий ярим чамбари қузатиш нуқтасининг баландлигидан пайдо бўлган уфқ бурчаги, уфқдаги синиш миқдори ва қуёшнинг горизонтал параллаксидан ҳосил бўлган вақт миқдорларининг тўпламидир.”

“Қилинган ҳисоблар бўйича бу миқдор (тамкин) маълум бир расад (кузатиш) жойи учун турли саналарда 8-10 дақиқа орасида ўзгармоқда. Шунинг учун умуман тамкин миқдорининг 10 дақиқа деб қабул қилиниши ва бу миқдор тушдан аввалги вақтлардан айрилиши, тушдан кейинги вақтларга қўшилиши одат ҳолини олган”.

Доктор Муҳаммад Илёс “**A modern Guide to Astronomical Calculations of Islamic Calendar, Times, Qibla**” номли асарида фажр ҳақида жуда қийматли маълумотлар бериб, исломий тонгларнинг (фажр ва шафақ) графигини чизган. Доктор Илёснинг шу ифодаси мавзумизни ёритмоқда: “Авваллари мен ҳам Бағвийга эргашиб, фажр ва шафақ вақтлари учун кичик даражалардан фойдаланардим. Лекин кейинроқ қилган тадқиқотларим ва эришган янги маълумотларимга асосланиб бунинг хато эканлигини тушундим. Малайзиялик машҳур астроном Шайх Тоҳир фажр учун қуёш координатасини -20 даража, хуфтон учун -18 даража деб олган. Рўзани бузадиган энг кичик вақтни ҳам таклиф қилиш устида кўп тўхталишни талаб қиладиган жиддий мавзудир. Бунда жуда эҳтиёткор бўлиш керак. Рўзанинг бошланишида эса, 10 дақиқа оралиқ (тамкин) вақт ишлатиш яхшироқ бўлади.”

Туркия Республикаси Диёнат ишлари кўмитаси (Диний Идораси) ташкил қилингандан 1983 йилгача имсоқ вақти ҳисобларида доимо (-19) даража иртифоънинг ишлатилганига гувоҳлик берувчи ҳужжатлардан бир нечтасини манбалари билан бирга қуйида билдирамиз. Булардан Диёнат ишлари кўмитасининг сайтида ҳалигача очиқ бўлганларнинг линклари ҳам берилган.

“Астрономия мутахассислари” билан “Диёнат ишлари раёсати ҳайъати мушовараси” биргалашиб тайёрлаб, нашр қилган мелодий 1926 йилги “Тақвим-и Зиё”нинг биринчи ва охириги бетларида “*Ушбу тақвим Диёнат ишлари раёсати ҳайъати мушовараси тарафидан тадқиқ қилиниб, Раёсат-и жалиланинг тасдиқи билан чоп этилмишдур*” деб ёзилган. Дин ишларида ислом олимлари ва астрономлари тасдиқлаган намоз вақтларини ўзгартирмаслик хусусида Ҳамди Язир “Сабил-ур-рашод” мажмуасининг 22-жилдида батафсил маълумот берган.

1958 йили намоз вақтларининг нотўғрилигини даво қилиб мақола ёзиб чиққан бир газетанинг журналистига Диний Идора томонидан берилган жавобда айнан: “... Имсоқ вақтига келсак, мақолангизда “*Инглизлар, америкаликлар ва французлар барчаси ушбу вақтнинг бошланиши деб Қуёшнинг -18 даража уфқ тагида бўлган пайтини қабул қилишган. Биз нега олмаймиз?*” деб ёзибсиз. Ажабо христиан бўлган бу халқларнинг фажри содиқнинг боши сифатида айнан ўша 18 даражани асос қилиб оладигандай у пайтда бажариладиган қандай муҳим ибодатлари бор? Майли, улар шундай қилган бўлса ҳам, ислом ҳайъатшунослари (астрономлари) тарафидан мазкур вақт (имсоқ вақти) исломий қоидаларга асосланиб, аниқлаб қўйилган бўлса, бу хусусда ажнабийларга кўр-кўрона эргашиш орзунгизга нима турки бўлмоқда?

Имсоқ вақти мабда-и фажрнинг тулуу онидир (яъни шарқий уфқда тонгдан дарак берувчи битта оқ нуқтанинг кўринган пайтдир). **Хайъатшуносон-и собиқамиз** (биздан аввалги бутун ислом астрономия мутахассисларимиз) **бу пайтнинг -19 даража инхитот-и шамсга тавофуқ қилганини** (уфқнинг остида -19 даража эканлигини) **қабул қилишган**. Демак, ислом хайъатшуносларининг **имсоқ (фажр) вақти учун қабул қилган даражалари харгиз -18° эмас, балки -19°дир!** Намоз вақтларининг айнан мана шу даражага қараб ҳисобланиши лозим. Диний идорамизга тегишли тақвимимиздаги **ҳисоблар ҳам шунга асосланган**” дегандан кейин **“Сизга Имсоқ вақтининг формуласини ёзиб юборяпмиз. Ҳисобни шунга асосланиб шахсан қилинг ёки қилдилинг. Оқибатда тақвимда берилган вақтларимизнинг тўғри эканлигига гувоҳ бўласиз ва мақолалар билан зеҳнларни бекорга чалғитганлигингиз маълум бўлади”** дейилган. Сўнгра мисол сифатида имсоқ (фажр) вақти ҳисоби логарифмик ва тригонометрик формулалар ёрдамида ҳисобланиб, тамкин муддати миқдорича олдинга сурилгандан кейин топилган имсоқ вақти ушбу мазкур жавоб ёзуви билан газета журналистига жўнатилганди.

“Туркистон тақвими”да ва интернет сайтларимизда эълон қилинадиган имсоқ вақтлари худди шу жавобдагидек Қуёш баландлиги уфқ тагида -19° даража бўйича ҳисобланиб, чиққан натижа тамкин муддатича олдинга олиниб, ҳисобланмоқда.

1983 йилгача Туркияда тамкин вақтини ва Қуёшнинг уфққа нисбатан координатларини ҳеч ким ўзгартирмаган. Барча олимлар, авлиёлар, шайхулисломлар, муфтийлар, бутун мусулмонлар асрлар давомида намозларини ушбу шаръий вақтларда ўқиб, рўзаларини ҳам мана шу шаръий вақтларда бошлаганлар. Ҳозир ҳам ҳар бир мусулмоннинг ушбу ижмои муслиминдан ажралмаслиги лозим.

Туркия Республикаси Диёнат ишлари кўмитаси (Диний идора) ташкил қилингандан 1983 йилгача имсоқ вақти ҳисобларида доимо (-19) даража иртифоънинг ишлатилганига гувоҳлик берувчи ҳужжатлардан бир нечасини манбалари билан бирга қуйида билдираемиз. Булардан Диёнат ишлари кўмитасининг сайтида ҳалигача очик бўлганларнинг линклари ҳам берилган.

Диёнат ишлари кўмитасининг 13.08.2010 санасида бир ўқувчисининг саволига берган жавобида:

*“Ибодат вақтлари, айниқса хуфтон намозини аниқлашда қуёшнинг уфқдан оғиш бурчагини, имсоқ вақтида эса, қуёшнинг уфққа яқинлашиш бурчагини **топиш астрономларнинг асосий вазифаси эди. Халифа Маъмун [198 (м.813) йилдан эътиборан] замонидан бери хуфтон ва имсоқ (фажр) вақтлари бу (хуфтон учун 17°, имсоқ учун 19°) кўрсаткичлар билан аниқланган”** дейилган.*

Диёнат ишлари кўмитасининг 17.07.2013 санасида берган “Интервью”сида:

(Идоранинг <http://diyanet.gov.tr/tr/icerik/basin-aciklamasi/8204?getEnglish=8204> саҳифасидан олинди.)

“1949 йили Диёнат ишлари кўмитаси раиси Аҳмад Ҳамдий Ақсекийнинг таълимоти билан Қандилли расадхонасининг асосчиси проф. Фотин Гўкман бошчилигида Комил Мирос, Истанбул муфтийиси Умар Насухий Билман, Айюб муфтийиси Исмоил Ҳабиб Эрзан ва Муваққит Юсуф Зиё Гўкчадан ташкил топган комиссия имсоқнинг аниқланиши учун 19°ни асос қилиб олишган” дейилган.

Яна Диёнат ишлари кўмитаси сайтида:

(Диний идоранинг <http://www.adanamuftulugu.gov.tr/?Syf=18&Hbr=13576> саҳифасидан олинди.)

“Бу соҳанинг энг муҳим мутахассисларидан бири бўлган профессор Фотин Гўкман бу хусусда “турли жойларда узоқ муддат ўтказилган расадлар натижасида ҳар ерда ва ҳар замонда шафақ-и аҳмарнинг гайбубати қуёшнинг тахтал уфқ 17 даража инҳитотида ва шафақ-и абязнинг гайбубати билан имсоқ вақти бўлган фажрнинг тулуви 19 даража инҳитотида содир бўлишини аниқлашган. Кейин келган росидлар ҳам буни тасдиқ ва таййид қилиб, 17 ва 19 даражаларда иттифоқ қилишган” деган. [проф. Фотин Гўкман Сабил-ур-рашод журнали, 3-жилд, 61-саҳифа].”

Яна Диёнат ишлари кўмитасининг сайтида:

(Кўмитанинг <http://www.adanamuftulugu.gov.tr/?Syf=18&Hbr=13576> саҳифасидан олинган.)

“... баъзи ислом ўлкалари ва мусулмон жамиятлар янада эҳтиёткор бўлиш учун қуёшнинг -19° уфққа яқинлашишини асос қилиб олиб, имсоқ (фажр) вақтини янада вақтлуроққа олишган. Негаким Масжиди Ҳаром ва Масжиди Набавий каби мусулмонлар наздида жуда аҳамиятли бўлган икки марказда ҳам татбиқ худди шундай” дейилган.

Диний идорада 26.05.1992 йили бўлиб ўтган йиғилишга Диёнат кўмитасининг вакиллари ва тақвим мутасаддилари ҳам иштирок этишди. Диёнат ишлари кўмитаси бош мутахассиси Ориф Чўклининг узоқ йиллар давомида олиб борган кузатишлардан қўлга киритган натижалар ҳам кўзда тутилиб, **имсоқ вақти ҳисобида 19 даражанинг асос қилиб олиниши ва Туркияда тамкин муддатининг 10 дақиқа қилиб ишлатилишининг тўғрилиги** борасида ҳамма ҳамфикр бўлиб, бу кўрсаткичлар яна бир бор тасдиқланди. Ушбу мутобақот Ориф Чўкли ва Диёнат ишлари кўмитасининг Астрономия ва вақт ҳисоблаш шўъбаси мудирлари ҳам қатнашган ҳайъат аъзолари томонидан имзоланиб, хужжатлаштирилди.

Ушбу манбаларда берилган ва бунга яна анча мисол келтиришимиз мумкин бўлган маълумотлардан чиқадиган натижа:

Тамкинсиз ва қуёшнинг уфқ остидаги баландлик бурчаги (-18) даража деб олиниб, ҳисобланган имсоқ-фажр вақтлари нотўғридир.

Қуёшнинг уфқ тагидаги баландлиги (-18) даража деб олиниб, қуёш уфққа яқинлаштирилганда ҳамда тамкин муддати бутунлай олиб ташланиб, қилинган ҳисобларда имсоқ вақтида тахминан (Туркиядек арз (кенглик) даражаси 36-42 даража орасида бўлган ерларда) 15-20 дақиқагача борадиган фарқлар юзага келмоқда ва рўзага ҳақиқий имсоқ вақтидан 15-20 дақиқа кейин бошланмоқда. Бу билан тутилган рўзалар фасод бўлмоқда. Бу рўзаларнинг қазолари тутилиши керак.

Нотўғри фажр вақтини тарқатувчи одамларнинг тақвим ва сайтларидан ўрин олган “1982 йили имсоқ вақтидан тамкин олиб ташланганда пайтда **исломнинг осонлаштиринг принципи бўйича 19 даража ўрнига илмий ўлчов бўлган 18° белгиланган**” қабилдаги гаплари ислом олимларининг қавлларини ўзгартиришнинг ўзгинасидир. Чунки:

Ноўрин ва ноилмий равишда “**Осонлаштириш принципи**” баҳона қилиниб, уфқ тагида -19° кўрсаткичини -18° га келтириш, у ҳам етмагандай қасдан тамкин муддатини олиб ташлаш орқали ҳақиқий фажр (имсоқ) вақтлари йўқотиляпти. Унинг ўрнига “Имсоқ вақти” деб умуман нотўғри вақтлар тақдим қилиняпти.

“Қулайлаштириш принципи” га тегишли масалаларда “динда қулайлик бор” деган ҳукм асло “**Нафсингга ёққанини қил**”, “**Ўз билганингни қил**” деганни англамайди. Балки динда билдирилган қулайликлардан фойдаланиш мумкин деган маънога келиши ислом олимларининг китобларида қайд ва нақл қилинган.

Имсоқ ва намоз вақтларининг аломатлари носс (Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар) билан собитдир. Ислом олимлари буларни шарҳлаган ва изоҳлаганлар. Ислом астрономлари эса, шу изоҳларга суяниб вақтларни ҳисоблаганлар. Буларнинг барчаси гўёки мрамарга ўйилган ёзувдек асрлар давомида татбиқ қилиниб, то 1983 йилгача ҳеч бир ўзгаришга учрамай келган.

“**Дурар-ул-хукком**” шарҳида айтиладики: “Замоннинг ўзгариши билан урф-одатларга асосланган аҳком ўзгариши мумкин. Лекин **носсга** (Қуръони карим ва ҳадиси шарифларга) асосланган аҳком замон ўтиши билан ўзгармайди.”

Қазо “**Мажалла**”нинг 39-моддасида ва шарҳида айтиладики: “Аҳком (ҳукмлар) замон ўтиши билан ўзгаради. Урф-одатларга боғлиқ бўлган аҳком ўзгаради. **Носсдан** чиқарилган аҳком ўзгармайди.”

Шу сабабли “**Енгиллаштириш принципи**” баҳонасида 1983 йилдан эътиборан имсоқ вақтида қилинган шу ўзгаришлар оқибатида тўғри имсоқ вақтлари йўқ қилингани учун уларнинг ўрнига эълон қилинаётган нотўғри имсоқ (фажр) вақтларига қараб, тутилган рўзалар фосид бўлмоқда, бошланмай бузилмоқда.

Чунончи, Ислом олимларининг асарларида билдирилганидек **имсоқ вақтини 3-4 дақиқа кечиктирган кишининг рўзаси ва шомни 3-4 дақиқа олдинга сурганининг рўзаси билан шом намози фосид бўлиши, бузилиши “Дурри якто”да ҳам мазкурдир.**

Юқорида нотўғри ва янглиш эканлиги исботланган фажр вақтлари ва имсоқиялар (рўза жадвали)га қараб, тутилган рўзаларнинг қазоларини тутиш лозим.

ТУРКИСТОН ТАҚВИМИ
ВАҚТ ҲИСОБЛАШ ҲАЙЪАТИ ИДОРАСИ
e-mail: ttaqvim@gmail.com